(? - 1721),
(1709-1721)

Кейинчалик Кўкон хонлиги деб аталган давлатнинг асосчиси. 1709-йилда минглар алохида беклик тузган чодалик дин пешволари хокимиятини агдардилар ва Фаргона водийсида хокимиятни ўз кўларига олдилар. Минг кабиласи йўлбошчиларидан бири Шохрухбий хукмдор деб эълон килинди. Шу тарика, Ўрта Осиёда кейинчалик Кўкон хонлиги деб аталган янги давлат вужудга келди. Маълумки, факат Афросиёб ёки чингиз авлодидан бўлганлар хон аталишга хакли эдилар. Шохрухбий эса Чингиз авлоди эмас эди. Шунинг учун саройга якин тарихчилар “Олтин бешик” хакидаги афсонани тўкиганлар. Унга кўра, гўё Кобул томон кетаётган Захириддин Мухаммад Бобур энди тугилган чакалогини олтин бешикка белаб, йўлда колдириб кетган экан. Фаргона водийсига ўзбек кабила бошликлари бешикни топиб олишиб, болани катта киладилар. Олтин бешикдаги бола вояга етиб ундан Султон элик номли ўгил тугилган. Ундан кейинги авлод Худоёр, Мухаммад Амин, Абулкосим, Шохмастбий (Ежмосбий), Шохрухбий, Хожибий, Ашурбий, сўнг Шохрухбий. Шохрухбий Олтин бешикнинг ўнинчи пушти хисобланган. У минг кабиласи бийларидан эди.
Шохрухбийнинг тахтга ўтиришини Мулла Олим “Тарихи Туркистон” асарида кизикарли тасвирлайди: Тарговага Жанкат, Пилахан, Тўфонтепа, Партак, Тепа Кўргон, Кайнар ва бошка жойларнинг оксокол, аслзода одамлари тўпланиб Ашурбекнинг ўгли аклли, инсонпарвар Шохрухбий Ашурбек ўглини хон килиб сайлашга карор киладилар. Шундан сўнг Шохрухбий ўрда ва кўргон куриш учун кулай жой танлашга фармон беради. Юборилган одамлар “Кўк тўнликлар” яшайдиган икки сой оралигида жойлашган худудни кулай жой, деб хисоблайдилар. Улар бу ерда арк курадилар ва унинг атрофида сарой ва бинолар кура бошлайдилар. Шундан кейин Шохрухбийни тахтга ўтказадилар. Хоннинг сайланиш йилини 1709-йил деб хисоблайдилар.
Мулла Олим Шохрухбий 12 йил хукмронлик килиб, хукмронлигининг 13-йилида вафот этди, - деб ёзади. Бундан унинг 1721-йилда вафот этганлиги келиб чикади.
Бу давлат ўз тасарруфига Кўкон, Исфара ва Маргилон атрофларини кўшиб олган эди. Шохрухбийдан учта ўгил колади: Абдурахимбий, Абдукаримбий ва Шодибий. Отасининг ўрнини ўгилларнинг каттаси Абдурахимбий эгаллайди.